



ЕДИНЫЙ ПОРТАЛ КОРПОРАТИВНОЙ ИНФОРМАЦИИ (/ru/)

(<http://openinfo.uz/ru/facts/26667/>)

РЕШЕНИЯ, ПРИНЯТЫЕ ВЫСШИМ ОРГАНОМ УПРАВЛЕНИЯ ЭМИТЕНТА

Дата раскрытия: 28.05.2019

Дата опубликования модератором*: 28.05.2019

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА	
	Полное:	"O'zagroeksportbank" aksiyadorlik tijorat banki
	Сокращенное:	"O'zagroeksportbank" АТБ
	Наименование биржевого тикера:	Нет
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ	
	Местонахождение:	100212, Toshkent shahri, Amir Temur ko'chasi, 79 А уу
	Почтовый адрес:	100212, Toshkent shahri, Amir Temur ko'chasi, 79 А уу
	Адрес электронной почты:	uzagroexportbank@inbox.uz (mailto:uzagroexportbank@inbox.uz)
	Официальный веб-сайт:	www.uaeb.uz (http://www.uaeb.uz)
3.	ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ	
	Номер существенного факта:	6
	Наименование существенного факта:	Решения, принятые высшим органом управления эмитента
	Вид общего собрания:	годовое
	Дата проведения общего собрания:	17.05.2019
	Дата составления протокола общего собрания:	27.05.2019

Место проведения общего собрания:	Тошкент ш.,Амир Темур кўчаси, 79А-уй
Кворум общего собрания:	100,00

№	Вопросы, поставленные на голосование	Итоги голосования					
		за		против		воздержались	
		%	количество	%	количество	%	количество
1	Йиғилиш регламентини тасдиқлаш	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0
2	“Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2018 молиявий йилдаги фаолият яқунлари бўйича ҳисобот ҳамда 2019 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида банк Кенгаши ва банк Бошқарувининг ҳисоботини тасдиқлаш	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0
3	“Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг йиллик бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0
4	“Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг Тафтиш комиссияси ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0
5	“Ўзагроэксспортбанк” АТБ Кенгаши аъзоларини сайлаш тўғрисида	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0

6	“Ўзагроэксспортбанк” АТБ Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш тўғрисида	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0
7	“Ўзагроэксспортбанк” АТБ Уставига ҳамда банкнинг Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк кенгаши тўғрисидаги низомларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0
8	“Ўзагроэксспортбанк” АТБ томонидан қўшимча акциялар жойлаштирилаётганда банк акциядорларининг имтиёзли олиш хуқуқни қўлламаслик тўғрисида. Масаланинг таърифи: “Ўзагроэксспортбанк” АТБ томонидан муомалага чиқариладиган қўшимча акцияларни сони чекланмаган инвесторлар орасида очиқ обуна қилиш орқали жойлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк акциядорларининг имтиёзли хуқуқи қўлланилсин	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0
9	“Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг янги Ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида	100,0	67 794 669 800	0	0	0	0

№	Полные формулировки решений, принятых общим собранием
1	1. Банк акциядорларининг йиғилиши кун тартибидаги масалалар бўйича банк Бошқаруви раисига 30 дақиқагача, кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича 10 дақиқагача, музокарага чиқувчилар учун 5 дақиқа вақт ажритиш орқали йиғилиш регламенти тасдиқлансин.

- 2 1. “Ўзагроэксспортбанк” АТБнинг 2018 молиявий йилдаги фаолият якунлари бўйича ҳисобот ҳамда 2019 йилда банк фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги банк Кенгаши ва банк Бошқарувининг ҳисоботи тасдиқлансин. 2. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги Қонунига асосан тайёрланган ҳамда банк Кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланган банкнинг 2018 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин. 3. Банк кенгашига: - банкнинг капиталлашув даражасини мақбул даражада бўлишини, шу жумладан банкнинг устав капиталини белгиланган энг кам миқдорига етказиш бўйича чораларини кўриш; - банкнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш; - банк омонатчилари, кредиторлари ҳамда акциядорлар манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банкнинг активлари, мажбуриятлари ва 2019 йил Бизнес-режаси ижросини таҳлил қилган ҳолда банк Бошқаруви фаолиятини мунтазам кузатиб бориш; - ҳар чорақда банк Бошқаруви ҳамда Ички аудит хизмати фаолияти якунлари тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаб, тегишли қарорлар қабул қилиш; - банк акциядорларининг умумий йиғилиши ва Банк кенгаши томонидан қабул қилинган қарорларни ижроси юзасидан доимий назорат ўрнатиш вазифалари топширилсин. 3. Банк Бошқаруви (Н. Алимов)га: - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги ПҚ-2740-сонли “Ўзагроэксспортбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган банкнинг асосий вазифаларини ижросини таъминлаш; -банкнинг устав капиталини 100 млрд сўм миқдорига етказиш бўйича тегишли чора-тадбирларни, шу жумладан банкнинг қўшимча акцияларини муомалага чиқариш ва жойлаштириш, стратегик хорижий инвесторни устав капиталига жалб этиш ишларини амалга ошириш; -банк фойдасини кўпайтириш ҳамда асосий қисмини банкнинг капиталлашувига йўналтириш орқали банк капиталини ошириш; -аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар депозитлари ҳажмини 30 фоизга ошириш; -банк активлари, шу жумладан кредит портфели сифатини янада яхшилаш юзасидан тегишли тадбирларни кўриб бориш; -агросаноат маҳсулотлари, энг аввало мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва экспорт қилишни ҳамда тегишли инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини устувор даражада молиялаштириш мақсадида жисмоний ва юридик шахсларнинг маблағларини жалб этиш; -агросаноат тармоқлари ташкилотларига ва унинг инфратузилмасига комплекс равишда кредит-ҳисоб-китоб хизматлари кўрсатиш; -агросаноат тармоғи ташкилотларини молиялаштириш учун хорижий инвесторлар, халқаро молия институтлари, чет эл банкларининг маблағларини жалб этиш, хорижий шериклар билан тўғридан-тўғри ҳамкорликни ривожлантириш; -комплекс тарзда маркетинг таҳлилини ташкил этиш ҳамда халқаро бозорларнинг ҳолати ва уларнинг ривожланиш истиқболлари, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчиларининг экспорт имкониятлари тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот банкини шакллантириш; -Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини ахборот ёрдамида фаол ёритиш, жумладан, хорижий банклар, халқаро ташкилотлар, дипломатик ва савдо ваколатхоналари билан фаол ҳамкорликни амалга ошириш, шунингдек халқаро реклама-савдо ахборот тармоқларига тизимли кириб бориш йўли билан агросаноат маҳсулотлари, энг аввало мева-сабзавот маҳсулотини халқаро бозорларга олиб чиқиш бўйича стратегиялар ишлаб чиқишда банк мизожларига кўмаклашиш топширилсин.

3	<p>1. Банк аудитори "Grant Thornton" халқаро аудиторлик компаниясининг банкнинг 2018 йилдаги молиявий фаолиятини ташқи аудит текширувидан ўтказилиши натижалари ва молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига тўла мос келиши тўғрисидаги ижобий хулосаси маълумот учун қабул қилинсин. 2. Банкнинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисоботи ҳамда банкнинг 2018 йилги 6 714 637,0 минг сўм фойдасини қуйидагича тақсимлаш тасдиқлансин: - умумий заҳира фондига 389 449 минг сўм, 5,8% ; - банкнинг сифати "стандарт" деб таснифланган активлар учун уларнинг қайтарилмаган асосий қарз (қолдиқ) суммасининг бир фоизи миқдоридида стандарт активларга яратиладиган заҳира шакллантиришга 1 081 062,71 минг сўм, 16,1%; - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 январдаги ПҚ-2740-сонли "Ўзагроэксспортбанк" акциядорлик тижорат банкни ташкил қилиш тўғрисида"ги қарорига асосан банкнинг барча турдаги солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинган, бўшаган маблағларини банкнинг ресурс ва моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш учун 1 935 798,1 минг сўм, 28,83% - банкнинг қўшимча акцияларини чиқариш ва барча акциядорлар ўртасида акциядорларга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланаш орқали банк устав капиталини оширишга (капиталлаштиришга) 3 308 327,19 минг сўм, 49,27%. Бунда, акциядорларнинг рўйхати ва уларга тегишли акциялар сони Банк кенгаши қарорига асосан белгилансин. 3. Банкнинг қўшимча акцияларини чиқариш ва банк устав капиталини ошириш юзасидан амалдаги қонунчиликда ва банк Уставида белгиланган вазифаларни бажариш Банк кенгашига топширилсин.</p>
4	<p>1. Тафтиш комиссиясининг банкнинг 2018 йилги фаолияти яқунлари тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин. 2. Банк Бошқарувига Тафтиш комиссияси ҳисоботида кўрсатиб ўтилган таклифларни амалга ошириш бўйича зарурий чора-тадбирларни кўриш вазифалари топширилсин. 3. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Банк Кенгаши зиммасига юклатилсин.</p>
5	<p>1. Банк кенгаши қуйидаги таркибда сайлансин: 1. Умурзаков Сардор Ўктамович - Инвестициялар ва ташқи савдо вазири; 2. Вафаев Шухрат Абдушарифович - Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ижрочи директори; 3. Асатуллаев Алишер Лутфуллаевич - "Ўзбекинвест" миллий экспорт-импорт суғурта компанияси бош директори ўринбосари; 4. Насретдинов Саидолим Саидакмалович - "Кафолат СК" АЖ Бошқарув раиси; 5. Абдуллаева Ирода Маратовна - Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бўлим бошлиғи; 6. Жалилов Тохиржон Абдунабиевич - "Ўзбеккозиковқатхолдинг" ХК АЖ Бошқарув раиси; 7. Абдирахимов Надирбек Камилевич - "Ўзагросуғурта" АЖ Ходимлар билан ишлаш департаменти бош менежери.</p>
6	<p>Банк Тафтиш комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин: 1. Турсунов У.А. - Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бош мутахассис; 2. Латипов С.И. - "Ўзбекинвест" миллий экспорт-импорт суғурта компанияси, Молия бошқармаси менежери; 3. Амиров Б.А. - "Ўзбеккозиковқатхолдинг" ХК АЖ Молия корпоратив бўлими бошлиғи.</p>

7	1. “Ўзагроэксспортбанк” АТБ Уставига ҳамда Акциядорлар умумий йиғилиши, Банк кенгаши тўғрисидаги низомларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар 2-4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин. 2. Банк Уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан рўйхатидан ўтказиш вазифаси банк Бошқарувига топширилсин.
8	1. “Ўзагроэксспортбанк” АТБ томонидан муомалага чиқариладиган қўшимча акцияларни сони чекланмаган инвесторлар орасида очиқ обуна қилиш орқали жойлаштиришда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк акциядорларининг имтиёзли ҳуқуқи қўлланилсин. 2. Банкнинг устав капиталини қўпайтириш, жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартларини белгилаш, шу жумладан банк акциядорларининг имтиёзли олиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш Банк кенгашига топширилсин.
9	1. Банкнинг Ташкилий тузилмаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин

Избрание членов наблюдательного совета:					
Информация о кандидатах:					Количество голосов:
№	Ф.И.О.	место работы	принадлежащие им акции		
			количество	тип	
1	Умурзаков Сардор Ўктамович	Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги	0		118 640 672 150
2	Вафаев Шухрат Абдушарифович	Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	0		118 640 672 150
3	Асатуллаев Алишер Лутфуллаевич	“Ўзбекинвест” миллий экспорт-импорт суғурта компанияси	0		47 456 268 860
4	Насретдинов Саидолим Саидакмалович	“Кафолат СК” АЖ	0		23 728 134 430
5	Абдуллаева Ирода Маратовна	Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси	0		118 640 672 150
6	Жалилов Тохиржон Абдунабиевич	“Ўзбекозиқовқатхолдинг” ХК АЖ	0		23 728 134 430
1	Абдирахимов Надирбек Камилович	“Ўзагросуғурта” АЖ	0		23 728 134 430

Текст вносимых изменений и (или) дополнений в устав	1. Уставнинг 10.3.-банди қуйидаги мазмундаги ўн тўққизинчи хатбоши билан тўлдирилсин: “- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”. ўн тўққизинчи – йигирма биринчи хатбошилари тегишинча йигирманчи – йигирма иккинчи хатбошилари деб ҳисоблансин. 2.Уставнинг 10.13.- банди ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин: “- аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;”.
---	---

Ф.И.О. руководителя исполнительного органа:

Алимов Наврузжон
Раимжонович

Ф.И.О. главного бухгалтера:

Рахматуллаева Гулчехра
Лутфуллаевна

Ф.И.О. уполномоченного лица, разместившего
информацию на веб-сайте:

Расулов Джамшид
Султонмуродович

Данная публикация на корпоративном веб-сайте эмитента
(<http://uaeb.uz/ru/about-fact>)

ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ДОСТОВЕРНОСТЬ И ПОЛНОТУ ИНФОРМАЦИИ ОПУБЛИКОВАННОЙ
ЭМИТЕНТАМИ НА ПОРТАЛЕ НЕСУТ САМИ ЭМИТЕНТЫ